

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚИРҒИЗБОЕВ МАЪРУФЖОН МЎЙДИНОВИЧ**

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШДА БЎҒИМЛАРАРО ЭГИЛУВЧАНЛИКНИНГ  
УСТУВОРЛИГИ ВА УНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва  
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Чирчиқ-2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қирғизбоев Маъруфжон Мўйдинович**

Белбоғли курашда бўғимлараро эгилувчанликнинг устуворлиги ва уни  
ихтисослаштирилган тартибда ривожлантириш методикаси.....5

**Киргизбаев Маъруфжон Муйдинович**

Приоритетность межсуставной гибкости в борьбе на поясах и методика её  
специализированного развития.....29

**Kirgizboyev Ma`rufjon Mo`yudinovich**

The priority of inter-staff flexibility in belt wrestling and methods of its  
development in a specialized manner.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚИРҒИЗБОЕВ МАЪРУФЖОН МЎЙДИНОВИЧ**

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШДА БЎҒИМЛАРАРО ЭГИЛУВЧАНЛИКНИНГ  
УСТУВОРЛИГИ ВА УНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва  
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Чирчиқ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped450 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Искандар Бахрамович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Керимов Фикрат Азизович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бакиев Зафар Абдушукурович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё миқёсида сўнгги йилларда ўтказилиб келинаётган нуфузли спорт мусобақаларида, жумладан, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, ҳамда қатор анъанавий халқаро турнирларда спорт натижаларининг узлуксиз ўсиб бориши, рақобатни янада кескинлашишига олиб келмоқда. Замонавий спорт амалиётида юксак спорт натижаларига эришиш мақсадида юкломлар ҳажми ва шиддатини меъёридан ошириш кўнгилсиз оқибатлар, ҳатто шикастланишларга олиб келиши мутахассис-олимлар томонидан таъкидланиб келинмоқда. Бугунги кунда бу борада бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, манбаларда белбоғли курашда қўлланиладиган техник-тактик усулларни бажаришда бўғимлар ҳаракатини таъминловчи устувор жисмоний сифатлар, айниқса, бўғимлараро эгилувчанлик ва уни ривожлантириш ҳамда баҳолаш технологияси илмий жиҳатдан етарлича очиб берилмаган. Бу эса мутахассислар томонидан илмий асосланган изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида юқори малакали спортчиларни тайёрлаш, уларнинг техник-тактик, жисмоний ва функционал имкониятларини оширишга, айниқса, юқорида қайд этилган кўнгилсиз оқибатларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда спорт маҳоратини оширишга, спортчининг соғлигини сақлаш, унинг биоэнергетик имкониятларини кенгайтиришга мўлжалланган табақалаштирилган машқлар ва янги методларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этишга урғу берилмоқда. Бироқ, хорижий ва мамлакатимиз мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, шиддатли юкломларга бардош бериш, ҳаракатлар кўламини кенгайтириш, функционал захиралар ҳажмини ошириш, юкломлар давомида ва якунида толиқиш аломатларини бартараф этиш ва иш қобилятини тиклашда муҳим роль ўйновчи эгилувчанлик, уни ривожлантириш ва баҳолашга қаратилган муаммолар етарли ўрганилмаган.

Бу борада юртимизда ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири «Миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осиё ва Олимпиада ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>1</sup> масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлсада, аммо манбаларда белбоғли курашда қўлланиладиган техник-тактик ҳаракатлар механикасини таъминловчи устувор жисмоний сифатлар, айниқса, бўғимлараро эгилувчанлик, уни ривожлантириш ва баҳолашнинг илмий жиҳатлари етарлича очиб берилмаган. Аммо спорт мусобақаларида доимо рақобат мавжуд экан, янги муаммолар вужудга келаверади, уларни ҳал этишга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони.

қаратилган изланишлар давом этаверади. Маълумки, спорт амалиётида, айниқса, яккакураш спорт турларида, деярли барча техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминлаш тана қисмларининг бўғимлараро ҳаракатини катта амплитудада «эгилиш-ёзилиш» имкониятлари билан белгиланади. Аммо эгилувчанликнинг бундай хусусиятлари спортнинг кураш турлари мисолида ниҳоятда кам ўрганилганлиги кузатилади. Жаҳон чемпионатлари кўламининг кенгайишига тurtки бераётган ва Олимпиада остоналарига «қадам босаётган» белбоғли курашда эса мазкур қобилиятнинг (эгилувчанликнинг) кўп қиррали хусусиятлари кенг қамровли тадқиқот предмети сифатида деярли ўрганилмаганлиги учун илмий-амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон «Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон «2019-2023 йиллар давомида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Франк-Старлинг қонунига кўра, бўғимларни ҳаракатлантирувчи мушаклар қанчалик максимал чўзилган (ёзилган) бўлса, мазкур мушак толаларининг қисқариш кучи шунчалик юксак бўлади<sup>2</sup>. Спорт физиологиясидан маълумки, тана қисмларининг эгилувчан бўлиши мушакларнинг эластиклик хусусиятига асосланади. Ушбу ҳолат, машғулотлар давомида бўғимларда юз берувчи шикастланишлар ҳолатининг олдини олади. Шунинг учун ҳам эгилувчанликни шакллантирувчи машқларни, машғулот ҳамда мусобақа учрашувлари олдидан ўтказиладиган «чигал ёздирувчи» ёки организм функцияларини бўлажак юкламалар таъсирига тайёрловчи «разминка»нинг бош қисмида кўлланилиши одат тусига кирган. Эгилувчанлик машқларини мунтазам кўллаб бориш, тана скелетининг барча мушакларини (толалари, тўқималари, ҳужайралари) майинлаштиради, эластиклигини оширади, бўғимлараро ҳаракатлар амплитудасини катталаштиради, техник-тактик усуллар самарадорлигини оширишга имкон яратади, ҳатто бошқа жисмоний

<sup>2</sup> Франк Старлинг: немис физиолог олими. [https://ru/qwe Wiki/Wiki/Frank% E 2% 80% 935 Starling law](https://ru.qwe Wiki/Wiki/Frank% E 2% 80% 935 Starling law).

сифатларга ҳам ижобий таъсир этиши, айниқса, машғулот ва мусобақалар давомида шикастланишлар сонини кескин камайтиради. Сўнгги йилларда эгилувчанликнинг бундай сермазмун хусусиятлари ўтказилган ва бугунги кунда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларда ўз аксини топиб бормоқда. Бу борада, айниқса, эгилувчанликнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарликдаги устувор аҳамияти, уни ривожлантириш машқлари ва услублари мувофиқ манбаларда очиб берилган (Л.П.Матвеев, В.Н.Платонов; Ю.В.Верхошанский; М.А.Годик; В.М.Зациорский; Ю.Ф.Курамышин; А.М.Максименко; Ж.Н.Холодов, В.С.Кузнецов)<sup>3</sup>. Лекин шу билан бир қаторда, спорт амалиётида, айниқса, спортнинг кураш турларида эгилувчанликнинг устувор хусусияти кам ўрганилганлиги маълумдир (Ф.А.Керимов, А.А.Карелин, В.Ф.Бойко, Г.В.Данько, Г.С.Туманян, N.A.Tastanov, З.С.Артиқов)<sup>4</sup>. Афсуски, ушбу сифатнинг қайд этилган муҳим хусусиятлари белбоғли курашда кенг қамровли ва кўп қиррали тадқиқотлар асосида умуман ўрганилмаганлиги аниқланди. Эгилувчанлик қобилятини белбоғли кураш мисолида ўрганиш муҳимлиги шу билан асосланадики, мазкур кураш тури бўйича кечадиган олишувларда қўллар белбоғни ушлаш билан банд бўлади. Бундай ҳолат усулларни самарали қўллаш учун барча бўғимларни катта амплитудада букиш-ёзиш-буриш ҳаракатларини мунтазам шакллантириб боришга даъват этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Мазкур диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Юқори малакали белбоғли курашчилар тайёрлашнинг илмий-методик асослари» мавзуси доирасидаги фундаментал лойиҳа асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори малакали белбоғли курашчиларда ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида эгилувчанликни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

спорт амалиётида эгилувчанлик сифатини баҳолаш ва белбоғли кураш

---

<sup>3</sup> Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316 с.; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры / - М.: ФиС., 2008. – 404 с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. Киев, Олимпийская литература, 2004., - 808 с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М.: Физкультура и спорт, 2007. – 216 с; Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. М.: Терра-Спорт, 2006. – 272 с.; В.М.Зациорский, Физические качества спортсмена: основы теории и методики воспитания / М: Спорт, 2019 – 200 с.; Курамышин Ю.Ф. Теория и методика физической культуры: Учебник / Под ред.проф. Ю.Ф. Курамышина. 3-е изд., стереотип. М.: Советский спорт, 2007. – 464 с; Максименко А.М. Теория и методика физической культуры/ - М.: ФиС., 2009. – 404 с.; Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб.пособие. – М.: Академия, 2008. – С. 121-129.

<sup>4</sup> Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти: Дарслик. – Т., 2001. – 285 б.; Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. Монография. // Новосибирск, 2002. – 480 с.; Бойко В.Ф., Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. Киев, Олимпийская литература, 2004. – С. 150-158.; Туманян Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов: Учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений. М.: Издательский центр “Академия”, 2006. – 591 с.; Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyyati. / Darslik. – Т., “Sano-Standart”, 2017. – 480 б.; Артиқов З.С. Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат саклаш функциясини шакллантириш методикаси/ п.ф.б.ф.д., (PhD) Автореферат., Ч., 2018. – 26 б.

ҳаракатларига хос бўлган назорат машқларини модификациялаштириш ва улар ёрдамида махсус эгилувчанликни ривожланиш даражасини ўрганиш;

турли вазн тоифаларига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни машғулотлар давомида ривожланиш суръати ва унинг техник усулларни бажариш сифатига таъсирини ўрганиш;

юқори малакали белбоғли курашчиларда «суст» ва «яхши» ривожланган эгилувчанликни қўлланиладиган техник усуллар тезлиги ва куч сифатларига таъсир этиш даражасини аниқлаш;

юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни ривожлантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган машқлар мажмуаси ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини педагогик тажриба асосида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига таълим олаётган юқори малакали белбоғли курашчиларнинг машғулот жараёни танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** жалб қилинган юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанлик даражасини ўрганишга қаратилди.

**Тадқиқотнинг услублари:** илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, бўғимлараро эгилувчанлик, техник усулларни ижро этиш билан боғлиқ махсус жисмоний сифатлар, статик ва динамик мувозанатни сақлаш турғунлигини баҳолашга мўлжалланган методик тестлар ҳамда инструментал ўлчов асбоблари (гониометр, кучни баҳолашга мўлжалланган компьютерлаштирилган «ПДСКБ-ШЕР» ўлчов асбоби).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

спорт амалиётида эгилувчанлик сифатини (эгилиш-ёзилиш бурчаги ва амплитудаси) баҳолаш бўйича жорий этилган методик тестлар белбоғли кураш ҳаракатларига хос тартибда модификациялаштирилган ва янги тестлар блоки яратилган;

турли вазн тоифаларига мансуб белбоғли курашчилар билан олиб бориладиган машғулотларда бўғимлараро эгилувчанликни ўзига хос йўналишлари (орқага, ўнг ва чап томонларга эгилиш ҳамда бурилишлар) усулларни бажаришга сарфланадиган «портловчи» ва «максимал» куч миқдорини ўзгариши ҳисобига оптималлаштирилган;

юқори малакали белбоғли курашчиларда «суст» ва «яхши» ривожланган эгилувчанлик даражасини ўрганиш асосида техник усулларни (рақибни кўтариб ташлаш) ижро этиш ҳажми, вақти ва амплитудасини ўзгариши ҳисобига курашчилар фаолиятида натижадорлик имконияти кенгайтирилган;

белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни (умуртқа, елка, тос-сон) ривожлантирувчи табақалаштирилган ва меъёрланган (такрорланиш сони, бажариш сериялари) махсус машқлар мажмуалари техник усулларни бажариш суръатини ошириш ҳисобига такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

белбоғли курашда бўғимлараро эгилувчанлик кўрсаткичлари техник усулларни катта амплитуда билан ижро этиш ҳамда шикастланишларни олдини олишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;



белбоғли курашчилар учун бўғимлараро эгилувчанлик қобилиятини ривожлантиришга доир амалий машғулот ишланмалари ишлаб чиқилган;

барча вазн тоифасига мансуб белбоғли курашчиларда умумий ҳамда махсус эгилувчанликни шакллантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган универсал машқлар мажмуалари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув модификациялаштирилган ва янги методик тестларнинг ишончли натижа бериш қийматини таъминлаш мақсадида «тест-ретест» синовлари амалга оширилганлиги, тадқиқотларни ўтказишда услуб-тестларни ўрнатилган ягона стандарт тартиб асосида қўлланилганлиги, технологик ёндашув ва текширилувчиларга бир хил психоэмоционал муҳит яратиш қоидаларига амал қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг объективлигини таъминлаш мақсадида уларни умумлаштириш, гуруҳлар ва гуруҳлараро кесимида табақалаштириш асосида математик статистика усуллари ёрдамида қиёсий таҳлил қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жараёнида олинган натижалар белбоғли кураш амалиётида бўғимлараро эгилувчанликни илмий-назарий моҳияти ва амалий қирраларини очиқ беришга, фаол ва суст эгилувчанликни статик, динамик ва баллистик машқлар ёрдамида ривожлантириш механикаси тартиблаништирилган ҳамда эгилувчанлик машқларини мунтазам қўллаб бориш натижасида мушак тўқималари ва толаларининг эластиклиги (чўзилувчанлиги) ортиши, бу эса бўғимлараро ҳаракатлар (техник-тактик ҳаракатлар) амплитудасини кенгайтиришга олиб келиши билан изоҳланади.

Эгилувчанлиги «аъло» шаклланган белбоғли курашчиларда ижро этиладиган усуллар техникаси ва тактикаси, уларнинг тезлиги, ҳажми ва аниқлиги, ҳатто статик ва динамик мувозанатни сақлаш турғунлигини юксакроқ бўлиши тажриба тадқиқотлари асосида аниқланди ва «ПДСКБ-ШЕР» ўлчов ускунасида эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган юқори малакали белбоғли курашчиларнинг куч сифатларига таъсири, яъни усулларни бажаришга сарфланадиган «портловчи» ва «максимал» куч миқдори аниқланди, ушбу сифатларни яхшиланиши ҳаракатлар амплитудасини кенгайтиришга, техник-тактик усуллар самарадорлигига ҳамда мусобақа фаолиятининг натижавийлигини ошириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанлик сифатини ривожлантириш бўйича олиб борилган жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба натижалари ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили асосида:

спорт амалиётида эгилувчанлик сифатини баҳолаш методикаси ва белбоғли кураш ҳаракатларига хос модификациялаштирилган назорат машқлари «Белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-324 рақамли гувоҳномаси). Натижада аҳамиятга эга – мушаклар чўзилувчанлигини оширувчи усуллар техникасига ижобий таъсир кўрсатди, жумладан, рақибни кўкракдан ошириб ташлаш тезлиги ўртача 17,8%, сони эса 23,9% га яхшиланди;

бўғимлараро эгилувчанликни ўзига хос йўналишлари асосида усулларни бажаришга сарфланадиган «портловчи» ва «максимал» кучни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар «Белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-324 рақамли гувоҳномаси). Натижада белбоғли курашчиларнинг эгилувчанлик қобилиятининг ривожланиш даражаси 16,14% га яхшиланди;

юқори малакали белбоғли курашчиларда «суст» ва «яхши» ривожланган эгилувчанликни техник усуллар тезлиги ва куч сифатларига таъсир этувчи компьютерлаштирилган «ПДСКБ-ШЕР» ўлчаш механизми «Спорт педагогик маҳоратини ошириш (белбоғли кураш)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-292 рақамли гувоҳномаси). Натижада белбоғли курашчиларда рамани юқorigа кўтаришда максимал куч 12,16% га, портловчи куч эса 10,14% га ҳамда рамани пастга босишда максимал куч 23,10% га, портловчи куч эса 15,17% га яхшиланди;

юқори малакали белбоғли курашчиларда эгилувчанлик сифатини ривожлантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган машқлар мажмуаси «Спорт педагогик маҳоратини ошириш (белбоғли кураш)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-292 рақамли гувоҳномаси). Натижада мусобақа фаолияти кўрсаткичлари 17% га ўсганлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, федерацияда ўтказилган тренерлар семинар-тренингида, «Миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти», «Халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти» ҳамда «Енгил атлетика назарияси ва услубияти» кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация «Кириш», 4 та боб, хулосалар ва амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар

рўйхатидан иборат бўлиб, матни 136 бетни ташкил этади. Диссертацияда 20 та жадвал ва 8 та расмларда қайд этилган диаграммалардан фойдаланилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Спортчилар тайёрлаш амалиётида эгилувчанлик сифатининг ўрни»** деб номланган биринчи бобида эгилувчанлик сифатининг моҳияти, мазмуни ва унинг функционал «хизмати», эгилувчанликни ривожлантириш ва уни баҳолаш муаммолари, эгилувчанликни бошқа ҳаракат сифатлари билан боғлиқлиги ва уни яқкакураш спорт турларида ўрганилиши, белбоғли курашга хос усуллар механикасини ҳаракатлантирувчи жисмоний сифатлар ва унда эгилувчанликнинг устувор аҳамияти ҳақида мутахассис-олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, машғулотлар ва тадқиқот натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур бобда эгилувчанликнинг кўп қиррали хусусиятлари, жумладан, уни мунтазам ривожлантириб бориш мушаклар эластиклигини ошириши, ҳаракатлар амплитудасини кенгайтириши, шикастланишларнинг олдини олишига имкон яратиши, ҳатто эгилувчанликни бошқа жисмоний сифатларга ижобий таъсир этиши назарий жиҳатлардан ёритилган бўлса-да, ушбу белбоғли курашчиларда кўп қиррали тадқиқот предмети сифатида ўрганилмагани очиб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг усуллари ва уни ташкил қилиш»** деб номланган иккинчи бобида юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни ўрганиш бўйича қўлланилган тадқиқот услублари, жумладан, педагогик кузатув, сўровнома, бўғимлараро эгилувчанликни баҳолашга мўлжалланган гониометрия методи, спорт амалиётида жорий этилган педагогик тестлар, уларни модификациялаштирилган ва бир қатор янги вариантлари, мазмуни ва қўллаш методикаси очиб берилган. Белбоғли курашчиларда эгилувчанликни «портловчи» ва «максимал» куч имкониятига таъсир этиш суръатини баҳолашга мўлжалланган компьютерлаштирилган «ПДСКБ-ШЕР» ўлчов ускунасидан фойдаланиш тартиби ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларини рақамли таҳлил қилишга доир вариацион-статистик усулларнинг информацион қиймати изоҳлаб берилган. Ушбу бобда

белбоғли курашчиларда умуртка, тос-сон, бўйин, елка, биллак-кафт бўғимларининг эгилювчанлик имконияти ва белбоғли кураш усуллариغا хос махсус эгилювчанликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган машқлар мажмуалари, уларни қўллаш методикаси келтирилган. Машқларнинг номи, такрорланишлар сони, ижро этиш вақти, машқлар оралиғидаги танаффуслар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Педагогик тажрибанинг объекти, уни ўтказиш дастури, муддатлари, шартлари ёритилган. Белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилювчанликни мақсадли ривожлантиришга мўлжалланган умумий ва ихтисослаштирилган машқлар мажмуалари, уларни қўллаш тартиби ва методикаси ўз ифодасини топган ҳамда диссертацион тадқиқотни ташкил қилиш босқичлари очиб берилган.

Жумладан, I босқичда тақвим режасига мувофиқ машғулот ва мусобақаларда педагогик кузатув олиб борилди, сўровномалар ўтказилди, дастур ва режалаштирув ҳужжатлари ўрганилди.

II босқичда бўғимлараро эгилювчанликни баҳолашга оид назорат машқлари блоки ўрганилди, объектив ахборот берувчи назорат машқлари танланди, уларнинг бир қисми модификациялаштирилди, 4 та янги назорат машқлари ишлаб чиқилди ва улар спорт педагогик маҳоратини ошириш машғулотларида синовдан ўтказилди.

III босқичда тадқиқот объекти устида изланиш ва жорий тадқиқотлар ўтказилди, олинган натижалар курашчиларнинг вазн тоифалари кесимида табақалаштирилди ва статистик усуллар асосида таҳлил қилинди.

IV босқичда махсус дастур асосида юқори малакали белбоғли курашчилардан иборат назорат ва тажриба гуруҳлари жалб қилинган 11 ойлик педагогик тажриба ўтказилди ҳамда олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинди. Хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Эгилювчанликни белбоғли курашдаги ўрни ва уни анъанавий машғулотлар жараёнида ривожланиш суръати**» деб номланган учинчи бобида турли вазн тоифаларига мансуб юқори малакали белбоғли курашчилар мисолида эгилювчанликнинг белбоғли курашдаги аҳамияти ва анъанавий машғулотлар жараёнида ривожланиш суръати кўп параметрли жорий тадқиқотлар асосида ўрганилган ҳамда олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинган. Эгилювчанликни мунтазам ва мақсадли шакллантириб бориш мушаклар эластиклигини оширади, тўқима ва ҳужайраларда, айниқса, бўғимларда тўпланиб қолган, «ишлаб бўлинган» ортиқча шлаклар (К, Са, Mg, аммиак, лактат ва ҳ.)ни сиқиб чиқаришга туртки беради. Натижада метаболик жараёнлар жадаллашади, энг асосийси спорт амалиётида, айниқса, кураш турларида ўта муҳим бўлган техник-тактик ҳаракатлар амплитудасини кенгайтиради ва турли шикастланишларни олдини олади.

Эгилювчанликни белбоғли курашда алоҳида устувор аҳамиятга эга эканлиги шу билан асосланадики, ушбу кураш турига хос техник-тактик

усулларни ижро этиш рақиблар бир-бирларининг белбоғидан ушлаган ҳолатда амалга оширилади. Мусобақа қоидалари билан белгиланган бундай шарт курашчиларда бўғимлараро эгилювчанлик, айниқса, тос-сон, тизза, умуртқа ва қўл бўғимларининг эгилювчанлиги юксак даражада ривожланган бўлишини талаб қилади. Лекин педагогик кузатув натижаларидан аниқландики, белбоғли курашчилар билан ўтказиладиган анъанавий машғулотларда эгилювчанликни ривожлантирувчи машқлардан фойдаланишга етарлича аҳамият берилмайди. Жумладан, ўрганилган 150 та машғулотнинг 15 тасида эгилювчанликни ривожлантириш бўйича қўлланилган машқларнинг ўртача ҳажми 50,1 марта, машқларни ижро этиш вақти эса 37,9 дақ. билан ифодаланади. Анъанавий машғулотларда бўғимлараро эгилювчанликни мақсадли ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмаслиги, курашчилардан иборат 97 нафар респондентлар жалб қилинган сўровнома натижаларига асосан ҳам тасдиқланди.

Таъкидланганидек, белбоғли курашда рақибни кўтариб ташлаш, фақат белбоғни ушлаган ҳолда ижро этилиши, умуртқа поғонаси ва тос-сон бўғимларига катта юклама тушишига олиб келади. Лекин ўтказилган жорий тадқиқотлар натижасида тадқиқотга жалб қилинган барча вазн тоифаларига мансуб белбоғли курашчиларда умуртқа тос-сон бўғимларининг эгилювчанлиги ўта суст ривожланганлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

### Турли вазн тоифаларига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда умуртқа ва тос-сон бўғимларининг эгилювчанлиги кўрсаткичлари ( $\bar{X} \pm \sigma$ )

Методик тестлар	Вазн тоифалари (кг)				
	60 n=30	66 n=48	73 n=50	81 n=34	90-100 n=30
Кўприк ҳолатида қўл-оёқларни жойлашиш оралиғи (см)	57,1±5,47	58,7±5,53	61,9±6,14	64,5±7,05	67,7±7,79
Кўприк ҳолатида умуртқа-гилам баландлиги (см)	63,5±6,03	61,2±5,87	55,4±5,95	52,1±5,14	50,3±4,63
Ўтириб олдинга эгилиш ҳолатида пешона-тизза оралиғи (см)	7,5±2,56	10,9±3,47	11,5±3,69	12,5±3,93	13,4±2,17
Тик туриб орқага эгилиш ҳолатида бош-гилам баландлиги (см)	72,5±7,11	77,1±8,09	83,4±9,16	85,2±10,13	88,2±11,56
<b>Тик турган ҳолатдан гавдани ён томонларга букиш бурчаги (градус):</b>					
ўнг томонга	39,8±5,73	37,3±5,06	35,4±4,67	34,2±4,53	33,4±4,08
чап томонга	40,3±5,65	37,9±5,08	36,2±4,97	35,7±4,68	34,5±4,87


Чунончи «кўприк» ҳолатида қўл оёқларнинг жойлашиш оралиғи 60 кг вазн тоифасидаги курашчиларда ўртача 57,1±5,47 см, 66 кг ли вазн тоифасига мансуб курашчиларда 58,7±5,53 см, 73 кг вазн тоифасида – 61,9±6,14 см,

81 кг ли вазн тоифасига мансуб курашчиларда  $64,5 \pm 7,05$  см ва 90-100 кг ли вазнда –  $67,7 \pm 7,79$  см ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, мазкур кўрсаткичлар вазн ортишига мувофиқ катталашиб борган.

«Тик туриб орқага эгилиш ҳолатида бошнинг энса қисмидан гиламгача оралиқ баландлиги» 60 кг ли вазнда  $72,5 \pm 7,11$  см; 66 кг –  $77,1 \pm 8,09$  см; 73 кг –  $83,4 \pm 9,16$  см; 81 кг –  $85,2 \pm 10,13$  см; 90-100 кг –  $88,2 \pm 11,56$  см ни ташкил этди.

Қайд этилган натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, барча тестлар бўйича олинган ўртача статистик кўрсаткичлар ( $\bar{X}$ ) курашчиларнинг вазн тоифаси катталашган сари регрессив томонга ўзгариб борган. Демак, мазкур курашчиларда мушак-ёғ массаси орта борган сари умуртқа поғонаси ва қисман тос-сон эгилиувчанлиги тобора сусайиб борган, деб эҳтимол қилиш мумкин.

Спорт амалиётида умуртқа поғонасининг эгилиувчанлигини баҳолаш кўпинча тик турган ҳолатдан гавдани ўнг ва чап томонларга букиш бурчагини гониометр асбоби ёрдамида аниқлаш орқали ҳам амалга оширилади. Мазкур асбоб асосида умуртқа бўғимларининг эгилиувчанлигини аниқлаш шуни кўрсатадики, 60 кг ли вазн тоифасига мансуб белбоғли курашчиларда гавдани ўнг томонга эгиш бурчаги ўртача  $39,8 \pm 5,73^\circ$ ; 73 кг ли вазнда –  $35,4 \pm 4,67^\circ$ ; ва 90-100 кг ли вазнда –  $33,4 \pm 4,08^\circ$  миқдорларида қайд этилди. Гавдани чап томонга эгиш бурчаги эса, мувофиқ равишда:  $40,3 \pm 5,65^\circ$ ;  $36,2 \pm 4,97^\circ$ ;  $34,5 \pm 4,87^\circ$  ни ташкил этди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Енгил, ўрта ва оғир вазн тоифасидаги курашчиларда тик ҳолатдан гавдани ўнг ва чап томонга букиш бурчагини ифодаловчи диаграмма.**

Белбоғли курашда умуртқа поғонаси эгилиувчанлигини оғирликка қарши бардош бериш қобилиятини ўз вазнига тенг рақибни кўкракда кўтариб айланиш (юриш, бурилиш ва ҳ.к.) ҳаракатлари орқали ўрганиш ўта муҳим тактик аҳамиятга эгадир. Бу борада ўтказилган натижалардан маълум бўлдики, «ўз вазнига тенг рақибни кўкракка кўтариб, орқага эгилган ҳолатда ўнг томонга айланиш вақти» 60 кг вазн тоифасидаги белбоғли курашчиларда

ўртача  $5,6 \pm 0,05$  сония, 66 кг вазн тоифасидаги курашчиларда ўртача  $5,5 \pm 0,04$  сония, 73 кг ли вазн тоифасида  $4,9 \pm 0,04$  сония, 81 кг –  $4,5 \pm 0,03$  сония, 90-100 кг –  $4,0 \pm 0,02$  сонияни ташкил этди.

Рақибни кўтариб айланиш сони эса, мувофиқ тартибда:  $3,5 \pm 0,06$  марта,  $3,8 \pm 0,05$  марта,  $4,1 \pm 0,04$  марта,  $3,9 \pm 0,03$  марта,  $3,5 \pm 0,02$  марта билан ифодаланди. Кўриниб турибдики, курашчиларда вазн тоифаси ортган сари нафақат рақибни кўтариб айланиш вақти қисқариб борапти, балки айланиш сони ҳам камайиб борган. Демак, курашчиларда мушак-ёғ массаси кўпроқ бўлса, рақибни кўтариб айланиш вақти ҳам, айланиш сони ҳам камайиши кузатилди.

Рақибни кўкракка кўтариб чап томонга айланиш вақти мувофиқ равишда:  $6,1 \pm 0,08$ ;  $6,6 \pm 0,07$ ;  $5,7 \pm 0,06$ ;  $4,6 \pm 0,04$ ;  $4,4 \pm 0,03$  сонияни ташкил этди. Айланиш сони эса:  $4,7 \pm 0,08$ ;  $4,5 \pm 0,05$ ;  $4,3 \pm 0,04$ ;  $3,4 \pm 0,02$ ;  $3,9 \pm 0,04$  марта билан ифодаланди. Мазкур натижаларда ҳам рақибни кўтариб айланиш вақти ва сони курашчиларнинг вазн тоифаси орта борган сари қисқариб ёки камайиб борган. Бироқ, фақат 90-100 кг вазн тоифасидаги курашчиларда рақибни кўтариб айланиш сони 81 кг вазн тоифасидаги курашчиларнинг мувофиқ натижасига нисбатан кўпроқ бўлганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

## 2- жадвал

**Турли вазн тоифаларига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда ўз вазнига тенг рақибни кўтариб, орқага эгилган ҳолатда ўнг ва чап томонларга айланиш кўрсаткичлари ( $\bar{X} \pm \sigma$ )**

Методик тестлар	Вазн тоифалари (кг)				
	60 n=30	66 n=48	73 n=50	81 n=34	90-100 n=30
Рақибни кўкракка кўтариб, орқага эгилган ҳолатда: - ўнг томонга айланиш вақти (сония)	$5,6 \pm 0,05$	$5,5 \pm 0,04$	$4,9 \pm 0,04$	$4,5 \pm 0,03$	$4,0 \pm 0,02$
айланиш сони (марта)	$3,5 \pm 0,06$	$3,8 \pm 0,05$	$4,1 \pm 0,04$	$3,9 \pm 0,03$	$3,5 \pm 0,02$
чап томонга айланиш вақти (сония)	$6,1 \pm 0,08$	$6,6 \pm 0,07$	$5,7 \pm 0,06$	$4,6 \pm 0,06$	$4,4 \pm 0,03$
айланиш сони (марта)	$4,7 \pm 0,08$	$4,5 \pm 0,05$	$4,3 \pm 0,04$	$3,4 \pm 0,02$	$3,9 \pm 0,04$

Агар рақибни кўтариб ўнг ва чап томонларга айланиш натижалари таққосланадиган бўлса, унда, фикримизча, рақибни кўтариб чап томонга айланиш вақти бўйича бироз салбий кўрсаткичлар, айланиш сони бўйича қисман ижобий натижалар қайд этилган. Алоҳида таъкидлаш муҳимки, рақибни кўтариб ўнг ва чап томонларга айланиш ўртасида қайд этилган асимметрик фарқ – тадқиқотда иштирок этган курашчилар фақат ўзларига қулай томонга айланиб ҳаракатланишда нисбатан яхшироқ натижа кўрсатишлари мумкинлигидан дарак беради.

Эгилувчанликни техник усулларга таъсир этиш суръатини аниқлаш мақсадида биз эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган 73 кг вазн тоифасидаги белбоғли курашчиларда рақибни тизза ёрдамида ва кўкракдан ошириб ташлаш имкониятини тадқиқот асосида ўргандик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, эгилувчанлиги «суст» ривожланган 73 кг вазн тоифасидаги белбоғли курашчиларда ўз вазнига тенг рақибни тизза ёрдамида 5 марта кўтариб, чап томонга ташлаш вақти  $17,3 \pm 2,25$  сонияни, эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда эса ушбу кўрсаткич  $13,7 \pm 1,64$  сонияни ташкил этди. Рақибни ўнг томонга кўтариб ташлаш вақти, мувофиқ равишда  $19,7 \pm 2,47$  ва  $15,5 \pm 2,03$  сония билан ифодаланди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

**Бўғимлараро эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган 73 кг вазн тоифасига мансуб белбоғли курашчиларда рақибни тизза ёрдамида ва кўкракдан ошириб ташлаш кўрсаткичлари ( $\bar{X} \pm \sigma$ )**

Методик тестлар	Эгилувчанлиги «суст» ривожланган курашчилар (n=31)	Эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчилар (n=19)	Кўрсаткичлар фарқи
<b>Рақибни тизза ёрдамида 5 марта кўтариб ташлаш вақти (сония):</b>			
чап томонга	$17,3 \pm 2,25$	$13,7 \pm 1,64$	3,6
ўнг томонга	$19,7 \pm 2,47$	$15,5 \pm 2,03$	4,2
<b>Рақибни тизза ёрдамида 15 сонияда кўтариб ташлаш сони (марта):</b>			
чап томонга	$3,6 \pm 0,07$	$6,3 \pm 0,18$	2,7
ўнг томонга	$2,7 \pm 0,05$	$4,5 \pm 0,12$	1,8
<b>Рақибни 5 марта кўкракдан ошириб ташлаш вақти (сония):</b>			
чап томонга	$18,5 \pm 2,43$	$15,4 \pm 2,17$	3,1
ўнг томонга	$19,8 \pm 2,55$	$16,6 \pm 2,23$	3,2
<b>Рақибни 15 сонияда кўкракдан ошириб ташлаш сони (марта):</b>			
чап томонга	$3,2 \pm 0,05$	$4,6 \pm 0,10$	1,4
ўнг томонга	$2,7 \pm 0,04$	$3,8 \pm 0,07$	1,1

Рақибни 15 сония ичида максимал марта чап томонга тизза ёрдамида кўтариб ташлаш сони эгилувчанлиги «суст» ривожланган курашчиларда  $3,6 \pm 0,07$  марта, эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда  $6,3 \pm 0,18$  мартага тенг даражада қайд этилди. Рақибни 15 сония ичида максимал марта ўнг томонга тизза ёрдамида кўтариб ташлаш сони эса, мувофиқ тоифали курашчиларда  $2,7 \pm 0,05$  ва  $4,5 \pm 0,12$  мартани ташкил этди.

Рақибни 5 мартадан кўкракдан ошириб чап томонга ташлаш вақти эгилувчанлиги «суст» ривожланган белбоғли курашчиларда  $18,5 \pm 2,43$  сонияга, эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда  $15,4 \pm 2,17$




сонияга тенг бўлгани аниқланди. Рақибни ўнг томонга 5 марта ташлаш вақти, мувофиқ равишда  $19,8 \pm 2,55$  ва  $16,6 \pm 2,23$  сония билан ифодаланди.

Рақибни 15 сония ичида кўкракдан ошириб чап томонга ташлаш сони биринчи тоифага мансуб курашчиларда  $3,2 \pm 0,05$  мартани, иккинчи тоифага киритилган курашчиларда  $4,6 \pm 0,10$  мартани ташкил этди. Рақибни 15 сонияда ўнг томонга кўтариб ташлаш сони эса, мувофиқ курашчиларда  $2,7 \pm 0,04$  ва  $3,8 \pm 0,07$  марта билан ифодаланди.

Эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган белбоғли курашчиларда қайд этилган кўрсаткичларнинг ўзаро фарқи, иккинчи тоифага мансуб курашчиларда нисбатан салмоқли эканлиги ҳам эгилувчанликнинг ушбу кураш турига хос техник-тактик ҳаракатларни ижро этишда ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Кураш турларида, айниқса, белбоғли курашда кучга асосланган эгилувчанлик ёки уни оғирликка бардош бериш хусусиятини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир (Г.С.Туманян, 2006; В.Ф.Бойко, Г.В.Данко, 2004; Ш.С.Мирзанов, 2020). Эгилувчанликни ана шундай хусусияти «ПДСКБ-ШЕР» компьютерлаштирилган ўлчов ускунаси ёрдамида эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган 73 кг вазн тоифасига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда «максимал» ва «портловчи» куч даражаси ўрганилди (2-расмга қаранг).



**Изох:** 1–Эгилувчанлиги «яхши» ривожланган; 2–Эгилувчанлиги «суст» ривожланган МКФ – «максимал» куч фарқи; ПКФ – «портловчи» куч фарқи;

**2-расм. Эгилувчанлиги «суст» ва «яхши» ривожланган 73 кг вазн тоифасидаги белбоғли курашчиларда «максимал» ҳамда «портловчи» куч натижаларининг фарқини ифодаловчи диаграмма.**

Натижалар шуни кўрсатдики, эгилувчанлиги «суст» ривожланган юқори малакали белбоғли курашчиларда «рамани» юқорига кўтаришда қайд этилган «максимал» куч ўртача  $1897,1 \pm 28,73$  Н ёки 189,71 кг ни, эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда эса ушбу кўрсаткич

2219,0±30,61 Н ёки 221,9 кг ни ташкил этди, ушбу гуруҳда «максимал» куч фарқи 221,9 Н ёки 22,19 кг билан ифодаланди.

«Портловчи» куч эгилувчанлиги «суст» курашчиларда ўртача 1761,8±24,35 Н ёки 176,18 кг га тенг эканлиги кузатилди. Эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда «портловчи» куч 1885,9±26,72 Н ёки 188,59 кг ни ташкил этди. Кўрсаткичлар фарқи 124,1 Н билан эгилувчанлиги «яхши» курашчилар фойдасига қайд этилди.

Ускуна «рамасини» пастга босишда максимал куч эгилувчанлиги «суст» курашчиларда 623,2±9,67 Н ёки 62,32 кг га тенг бўлганлиги маълум бўлди, эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда бу кўрсаткич 674,6±10,19 Н ёки 67,46 кг ни ташкил этди. Кўрсаткичлар фарқи эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда 51,4 Н га кўпроқ миқдорда қайд этилди.

Ускуна «рамасини» босганда «портловчи» куч эгилувчанлиги «суст» ривожланган курашчиларда 675,5±12,28 Н ёки 67,55 кг билан ифодаланди. Эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда эса бу кўрсаткич 705,7±14,53 Н га тенг бўлди. Кўрсаткичлар фарқи эгилувчанлиги «яхши» ривожланган курашчиларда 30,2 Н га ортиқ бўлди. Таъкидлаш мумкинки, тадқиқотимизда иштирок этган юқори малакали белбоғли курашчиларда, эгилувчанликнинг ривожланганлик даражасидан қатъий назар, «максимал» ва «портловчи» куч бўйича олинган кўрсаткичлар Ш.С.Мирзанов (2020) томонидан ўрганилган мувофиқ малакага эга курашчилар кўрсаткичларидан қисман юқорироқ бўлса-да, лекин бугунги замонавий кураш турларида юксак натижага эришиш учун етарли эмас.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган юқори малакали белбоғли курашчиларнинг бўғимлараро эгилувчанлигини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар дастури авторефератнинг амалий тавсияларида баён этилган.

Диссертациянинг «**Юқори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни педагогик тажриба давомида шакллантириш самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида 30 нафар 73 кг ли ва 30 нафар 90-100 кг ли вазн тоифаларига мансуб белбоғли курашчилар мисолида ўтказилган 11 ойлик педагогик тажриба натижалари таҳлил қилинган. Тажриба шартига кўра, мазкур курашчилар ҳар бири 15 нафардан иборат 4 та гуруҳга ажратилди: 73 кг вазн тоифасидаги курашчилардан иборат – назорат гуруҳи – 73 (НГ), тажриба гуруҳи – 73 (ТГ); 90-100 кг тоифасига мансуб курашчилар назорат ва тажриба гуруҳларига ажратилди.

Қайд этиш жоизки, эгилувчанлик суст ривожланган бўлса, мушаклар эластиклиги етарли бўлмайди, техник усуллар амплитудаси чегараланади, уларни қўллаш тезлиги, ҳатто кучи ҳам юксак бўлмайди. Ана шу эҳтимолларни тажрибада аниқлаштириш мақсадида, биз бўғимлараро эгилувчанликни жадал ривожлантиришга мўлжалланган махсус машқларни ишлаб чиқдик ва уларни 73 ва 90-100 кг вазн тоифаларига мансуб белбоғли

курашчилардан иборат ТГ нинг ўқув машғулоти жароғига жорий этдик. Шу вазн тоифаларига мансуб курашчилардан иборат НГ да бундай машқлар умуман қўлланилмади, улар анъанавий дастур асосида ўтказилган машғулотларда шуғулланишни давом эттирди (4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

### Ўрта ва оғир вазн тоифаларига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда умуртқа ва тос-сон бўғимларининг эгилювчанлигини анъанавий ва экспериментал машғулотлар таъсирида ўсиш суръати кўрсаткичлари

Методик тестлар	гуруҳ	Вазн тоифалари (кг)							
		73 (n=30)				90-100 (n=30)			
		$\bar{X} \pm \sigma$	t	Фарқи	%	$\bar{X} \pm \sigma$	t	Фарқи	%
Кўприк ҳолатида қўл-оёқлар оралиғи (см)	Н	$59,7 \pm 5,01$	1,82	2,30	3,85	$65,5 \pm 6,23$	1,76	2,80	4,27
	Г	$57,4 \pm 4,76$				$62,7 \pm 6,12$			
Ўтириб олдинга эгилиш ҳолатида пешона-тизза оралиғи (см)	Т	$60,2 \pm 5,27$	4,12	5,40***	8,97	$66,4 \pm 6,71$	4,10	6,70***	10,09
	Г	$54,8 \pm 4,87$				$59,7 \pm 5,94$			
Ўтириб олдинга эгилиш ҳолатида пешона-тизза оралиғи (см)	Н	$10,7 \pm 3,08$	2,12	1,60*	14,95	$13,9 \pm 3,14$	2,32	1,80*	12,95
	Г	$9,1 \pm 2,77$				$12,1 \pm 2,86$			
Тик туриб орқага эгилишда бош-гилам баландлиги (см)	Т	$11,3 \pm 2,76$	3,61	2,40***	21,24	$14,5 \pm 3,51$	3,76	3,10***	21,38
	Г	$8,9 \pm 2,37$				$11,4 \pm 2,84$			
Тик туриб орқага эгилишда бош-гилам баландлиги (см)	Н	$82,5 \pm 6,13$	1,73	2,70	3,27	$89,4 \pm 7,01$	1,74	3,10	3,47
	Г	$79,8 \pm 5,97$				$86,3 \pm 6,82$			
Т	Т	$82,7 \pm 8,14$	3,83	7,60***	9,19	$88,7 \pm 8,78$	4,19	9,00***	10,15
	Г	$75,1 \pm 7,21$				$79,7 \pm 7,82$			
<b>Тик ҳолатдан гавдани ён томонларга букиш бурчаги (градус)</b>									
Ўнг томонга	Н	$36,3 \pm 4,58$	2,09	2,40*	6,61	$33,1 \pm 3,78$	2,24	2,20*	6,65
	Г	$38,7 \pm 4,33$				$35,3 \pm 3,83$			
Чап томонга	Т	$36,7 \pm 4,55$	3,90	4,70***	12,81	$34,2 \pm 4,02$	3,76	3,90***	1,40
	Г	$41,4 \pm 4,79$				$38,1 \pm 4,01$			
Чап томонга	Н	$37,5 \pm 4,32$	1,93	2,20	5,87	$34,8 \pm 3,89$	1,91	2,00	5,75
	Г	$39,7 \pm 4,53$				$36,8 \pm 4,23$			
Чап томонга	Т	$37,8 \pm 4,66$	4,07	5,50***	14,55	$35,7 \pm 4,46$	4,33	5,20***	14,57
	Г	$43,3 \pm 5,75$				$40,9 \pm 4,83$			

**Изоҳ:** - суръатда – тажрибадан аввалги натижалар, - махражда – тажрибадан кейинги натижалар, \*-  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$  ва \*\*\* -  $p < 0,001$ , НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, «кўприк» ҳолатида қўл-оёқлар жойлашган оралиқ орқали баҳоланган эгилювчанлик 73 кг вазн тоифасига мансуб курашчилардан иборат НГ да тажрибадан аввал  $59,7 \pm 5,01$  см ни ташкил этган бўлса, тажриба якунига келиб, мазкур эгилювчанлик  $57,4 \pm 4,76$  см билан ифодаланди. Эгилювчанликнинг ўсиш суръати ушбу гуруҳда 2,3 см билан қайд этилди холос. 90-100 кг вазн тоифасидаги НГ курашчиларида эгилювчанлик бироз сустроқ даражада намойиш этилди: тажрибадан аввал

эгилювчанлик 65,5±6,23 см га, тажрибадан кейин 62,7±6,12 см га тенг бўлди. Бу гуруҳда ҳам эгилювчанликнинг ўсиш фарқи катта бўлмади ёки 2,8 см билан ифодаланди.

ТГ даги 73 кг вазн тоифасидаги курашчиларда тажрибадан аввал эгилювчанлик «кўприк» ҳолатида қўл-оёқларнинг жойлашиш оралиғи бўйича 60,2±5,27 см, тажрибадан кейин 54,8±4,87 см ни ташкил этганлиги кузатилди. Эгилювчанликнинг ўсиш суръати ушбу гуруҳда 5,40 см гача етди. 90-100 кг вазн тоифасидаги ТГ курашчиларида ҳам эгилювчанлик яққол ўсганлиги аниқланди. Масалан, мазкур гуруҳда эгилювчанлик тажрибадан олдин 66,4±6,71 см га тенг бўлган бўлса, тажрибадан кейин 59,7±5,94 см гача яхшиланди. Бошқача қилиб айтганда, 90-100 кг вазн тоифасидаги ТГ да эгилювчанлик 11 ойлик тажриба давомида 6,7 см гача ўсганлиги қайд этилди.

Умуртқа ва тос-сон бўғимларининг эгилювчанлигини баҳолашда ўтириб олдинга эгилиш ҳолатида бошнинг пешона қисми ва тиззалар оралиғини ўлчаш натижаси объектив мезон сифатида қўлланилиши мумкин. Бу борада ўтказилган тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлдики, мазкур тест бўйича умуртқа ва тос-сон бўғимларининг интеграл кўрсаткичи 73 кг вазн тоифасидаги НГ курашчиларида тажрибадан олдин 10,7±3,08 см ни, тажрибадан кейин эса 9,1±2,77 см ни ташкил этди. 90-100 кг вазн тоифасидаги НГ курашчиларида ушбу кўрсаткичлар, мувофиқ равишда 13,9±3,14 см ва 12,1±2,86 см билан ифодаланди. Эгилювчанликнинг 11 ойлик ўсиш суръати мазкур НГ ларида 1,60 ва 1,80 см ни ташкил этди.

73 кг вазн тоифасидаги ТГ да эгилювчанлик дастлаб (тажрибадан аввал) 11,3±2,76 см, тажриба якунида 8,9±2,37 см гача ўсганлиги аниқланди. Ўсиш фарқи 2,4 см га тенг бўлди. 90-100 кг вазн тоифасидаги ТГ курашчиларида эса бу кўрсаткичлар, мувофиқ равишда 14,5±3,51 ва 11,4±2,84 см ни ташкил этди. Эгилювчанликнинг 11 ойлик ўсиш фарқи 3,10 см миқдорида қайд этилди.

73 кг вазн тоифасидаги НГ да умуртқа ва тос-сон бўғимлари эгилювчанлиги – орқага эгилишда тажрибадан аввал 82,5±6,13 см ни, тажрибадан кейин эса – 79,8±5,97 см ни ташкил этган. Эгилювчанликнинг ўсиш суръати 2,70 см га тенг бўлган. 90-100 кг вазн тоифасидаги НГ да эса, ушбу кўрсаткичлар, мувофиқ равишда 89,4±7,01 ва 86,3±6,82 см билан ифодаланди. Бу гуруҳда ҳам эгилювчанликнинг ўсиш фарқи 3,10 см билан қайд этилди.

73 кг вазн тоифасидаги ТГ да эса, тажриба бошланмасдан аввал эгилювчанлик орқага эгилиш бўйича 82,7±8,14 см, тажриба якунида 75,1±7,21 см билан ифодаланди. Эгилювчанликнинг 11 ойлик ўсиш суръати 7,60 см ни ташкил этди. 90-100 кг вазн тоифасидаги ТГ да мазкур кўрсаткичлар, мувофиқ равишда – 88,7±8,78; 79,7±7,82 см миқдорида қайд этилди. Эгилювчанликнинг ўсиш фарқи 9,0 см ни ташкил этди.

Рақибни тизза ёрдамида ўнг ёки чап томонларга кўтариб ташлаш усуллари самарали қўллаш учун курашчида ён томонларга эгилиш бурчаги (амплитудаси) катта бўлиши фойдали натижага эришиш имкониятини

яратади. Ушбу йўналишда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 73 кг вазн тоифасидаги НГ да тик ҳолатдан гавдани ўнг томонга букиш бурчаги тажрибадан аввал  $36,3 \pm 4,58^\circ$ , чап томонга –  $37,5 \pm 4,32^\circ$  билан ифодаланди. Тажрибадан кейин эса, ушбу кўрсаткичлар, мувофиқ равишда ўнг томонга  $38,7 \pm 4,33^\circ$ ;  $39,7 \pm 4,53^\circ$  ни ташкил этди. 90-100 кг вазн тоифасидаги НГ да кузатилган натижалар ён томонларга эгилиш даражаси нисбатан суст ривожланганлигини кўрсатди ва мувофиқ равишда қуйидагича қайд этилди:  $33,1 \pm 3,78^\circ$ ;  $34,8 \pm 3,89^\circ$ ;  $35,3 \pm 3,83^\circ$ ;  $36,8 \pm 4,23^\circ$ .

11 ойлик педагогик тажриба давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган махсус эгилувчанликни ривожлантирувчи машқларни мунтазам бажариб борган 73 кг вазн тоифаларига мансуб ТГ ларида мазкур сифатнинг ўсиш суръати прогрессив натижалар билан қайд этилганлиги аниқланди. Жумладан, ушбу гуруҳда гавдани ўнг томонга эгиш бурчаги тажрибадан аввал  $36,7 \pm 4,55^\circ$  ни, чап томонга  $37,8 \pm 4,66^\circ$  ни ташкил этди. Тажрибадан кейин эса, мазкур кўрсаткичлар, мувофиқ равишда  $41,4 \pm 4,79^\circ$  (ўнг томонга) ва  $43,3 \pm 5,75^\circ$  (чап томонга) билан ифодаланди. Гавдани ўнг томонга букишда эгилувчанликнинг ўсиш фарқи  $4,70^\circ$ , чап томонга букишда эса –  $5,50^\circ$  гача ўсганлиги кузатилди. 90-100 кг вазн тоифаларига мансуб ТГ ларида мазкур сифатнинг ўсиш суръати қуйидагича бўлди: ушбу гуруҳда гавдани ўнг томонга эгиш бурчаги тажрибадан аввал  $34,2 \pm 4,02^\circ$  ни, чап томонга –  $35,7 \pm 4,46^\circ$  ни ташкил этди. Тажрибадан кейин эса, мазкур кўрсаткичлар, мувофиқ равишда  $38,1 \pm 4,01^\circ$  (ўнг томонга) ва  $40,9 \pm 4,83^\circ$  (чап томонга) билан ифодаланди. Гавдани ўнг томонга букишда эгилувчанликнинг ўсиш фарқи  $3,90^\circ$ , чап томонга букишда эса –  $5,20^\circ$  гача ўсганлиги кузатилди.

Рақибни кўкракдан ошириб чап ёки ўнг томонга ташлашда умуртқа эгилувчанлиги юксак даражада ривожланган бўлиши, уни рақиб оғирлигига қаршилик кўрсата олиши ва шиддат билан енга олиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ўтказилган тадқиқот натижаларидан шу нарса кузатиладики, рақибни 5 марта кўкракдан ошириб чап томонга ташлаш вақти 73 кг вазн тоифасидаги НГ да тажрибадан аввал  $17,5 \pm 1,79$  сонияни, тажрибадан кейин  $16,7 \pm 1,72$  сонияни ташкил этди. Усулни такрорлаш вақти тажриба якунига келиб 0,8 сонияга қисқарди. 90-100 кг вазн тоифасидаги НГ да эса, ушбу кўрсаткичлар нисбатан давомлироқ вақт билан қайд этилди ва мувофиқ равишда  $21,2 \pm 2,23$ ;  $20,2 \pm 2,19$  ва 1,0 сонияга тенг бўлди.

